



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 1 (14.052)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сиз - сўхат-саломатлик, оилавий бахт тилайман! Ўтиб борётган йил мамлакатимиз учун унутилмаб воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик. Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди. Иқтисодийликнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда. Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг йўл очилди. Йил давомида худудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда. 2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оила-лар шинам уй-жойларга эга бўлдилар. Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди. Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлири, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.



Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда. Жамиятимизда демократия тамойиллари, очкилик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда. Кун кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сессиялар бунга яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади. Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустақилликимизда. Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат

олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда. Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда. Хурматли юртдошлар! Биз миллий юксалишимизнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз. 2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислохотларимизни фаол давом эттирамиз. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, сти-

пендия ва нафақаларни, аҳоли реал даражада кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади. Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтирамиз. Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади. Нуроний фахрийларимиз, мунис опасингилларимизга эътибор ва гамхўрликни янада кучайтирамиз. Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз. Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади. Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшнилариимиз билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтирамиз. Азиз юртдошларим, қадрдонларим! 2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга кут-баракат, бахт ва омад олиб келсин! Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин! Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин! Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "2020 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъулиятини янада ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган янги бюджет тизими жорий этилмоқда. Илк бор "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан республика бюджетни ҳаракатлари вазирлик ва идоралар қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар ҳаракатлари эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан тасдиқлангани белгилаб қўйилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилмаган даромад турлари кенгайтирилди. 2020 йилдан бошлаб барча давлат мақсадли жамғармалари ва четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган давлат ҳаражатлари консолидациялашган давлат бюджетида акс эттирилиб, бюджет қамрови ва очкилиги даражаси кучайтирилди. Халқаро стандартларга мувофиқ умумий физикал балансининг ҳисобини юритиш йўлга қўйилди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқларни орტიқча ундирганигичун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, замонавий усулларни қўллаган ҳолда хорижий амалиётда синалган солиқ назорати шакллари жорий этилди, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддашатирилди. Ўз навбатида, амалга оширилаётган ислохотлар вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биринчи даражали ҳаражатларини, давлат дастурлари ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш борасида жавобгарлигини оширишни, манбаси аниқ бўлмаган тадбирларни амалга оширмасликни ҳамда бюджет интизомини янада қатъийлаштиришни талаб этилди. Давлат молияси тизими ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари бажарилишида манфааддорлигини кучайтириш, шунингдек, "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда)

РАҚАМЛАР ЭМАС, НАТИЖА МУҲИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охириги иш кунинда парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил якунларини сарҳисоб қилди, 2020 йилги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда далил ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш, худудлар имкониятларини тўла юзага чиқариб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ташаббус ва тақлифлар қўллаб-қувватлаб, молиявий, ташкилий жиҳатлари ҳал қилиб берилмоқда. Бундай кенг кўламли ишлар натижаси ҳар бир жаҳада сезилипти. Илгари иложсиздек туюлган масалаларга ечим топилоқда. Энг муҳими, халқнинг турмуш шароити яхшиланмоқда, оддий одамлар давлатдан, ҳаётдан рози бўляпти. Юртимиздаги ўзгаришларни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмақда. Хусусан, дунёдаги энг нуфузли нашрлардан бири бўлган Буюк Британиянинг "The Economist" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислохотларни амалга оширган давлат - "Йил мамлакати" деб эътироф этди. Шунингдек, Жаҳон банкининг 2019 йилги "Бизнес юритиш" рейтингида ҳам Ўзбекистон энг илғор ислохотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Бундай муваффақиятлар 2020 йилда ҳам давоми бўлиши, янада яхшиланадиган тармоқлар ва худудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларни бажариб, энг юқори натижаларни таъминлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари бугун эришилган натижалар ҳали марра эмаслигини, олдимида аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2020 йил синов йили бўлишини таъкидлади. Йилгилишда 2019 йилда йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, масъул ижрочилар ва муддатларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бевосита жойларга бориб, уларнинг ижросини ташкил қилиш ва доимий назоратни таъминлаш кераклиги қайд этилди. Вазирлик Мақамаси ижро ҳокимияти фаолиятини самарали ташкил этиб, ҳар бир вазирлик, давлат қўмитаси ва бошқа идораларнинг 2020 йил ҳар чораги учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқиши ва ижросини қатъий назоратла олиши зарурлиги таъкидланди.

Келаси йилда давлат корхоналарини самарали бошқариш ва иқтисодиётда давлат улушини камайитириш бўйича жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлиги таъкидланди. Инвестиция дастурининг инфратузилма объектиларини қуриш ва ишга тушириш бўйича янги тизим жорий этиш, транспорт, айниқса, темир йўл ва авиация соҳасида бошланган ислохотларни жадаллаштириш вазифаси қўйилди. Қурилиш-пудрат ва лойиҳа бозорини тартибга солиш, бу бозорда эркин рақобат муҳитини ва замонавий шаҳар-созлик меъёрларини жорий этиш, қурилиш арзонлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти соҳасидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни пасайтириш, нарх-навоно шакллантиришни тўлиқ бозор муносабатларига ўтказиш, эркин рақобат муҳитини яратиш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, истеъмол товарлари, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ҳаражатларни камайитириш орқали нарх-навонони кескин ошишига йўл қўймастик лозим. Банк соҳасидаги ислохотларни давом эттириш, қулай ва сифатли банк хизматларини кенгайтириш ҳам муҳимлиги таъкидланди. Халқимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини ошириш, боқимандалик қайфиятидан халос этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини яратиш, жумладан, солиқ маъмурчилигини янада тақомиллаштириш, ахборот технологияларини кенг қўллаш ва инсон омилни максимал қисқартириш зарурлиги таъкидланди. Ташқи савдо ва инвестиция борасидаги ишларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар ва хорижий кредитларни самарали ишлаш, уларни аниқ натижа берадиган лойиҳаларга йўналтириш, инвесторлар билан манзилли ишлашни янги босқичга олиб чиқиш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, хорижий ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил этиб, аниқ натижаларни таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортнинг таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, янги бозорларга чиқиш учун ташқи савдо мундарижидан тақомиллаштириш талаб этилади. Божхона, стандартлаштириш, карантин каби соҳаларни ислоҳ қилиб, уларни тадбиркорга кўмакчига айлантиришни тақозо этади. Йилгилишда таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва бошқа ижтимоий соҳалардаги ислохотларни изчил давом эттириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Келаси йилда туристлар оқимини 7,5 миллионга етказиш ва хизматлар экспортини 1,5 миллиард доллардан ошириш бу соҳадаги энг устувор вазифалиги кўрсатиб ўтилди. Эшларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Президентимиз таъкидлаганидек, оила олдидagi масъулиятни англаш, психологик тайёргарлик ва оиладаги муносабатларни тўғри ўрнатил, оилада соғлом муҳитни яратиш олиш зарур.

Аросаноат мажмуига кирувчи тармоқ ва соҳа раҳбарлари учун Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини таъминлаш келаси йил учун энг устувор вазифа бўлиб қолади. Бунда пахта, галла, шолӣ кластерларига зарур шароитлар яратиш, янги тизимда юзага келадиган муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, йилгилишда нефть-газ, кимё тармоқлари, энергетикани ривожлантириш, ушбу соҳаларга хусусий сектор ва инвестицияларни фаол жалб қилиш, хом ашё ҳазиб олишни кўпайтириш бўйича зарур топшириқлар берилди. Йилгилишда белгиланган топшириқларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш учун барча раҳбарлар ўз тизимини кўйиб қўйиш, ҳодимлар ва ресурсларни максимал даражада сафарбар қилиш шартлиги кўрсатиб ўтилди. Президентимиз томонидан қўтарилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари сўзга чиқиб, берилган топшириқларни сифатли бажариш бўйича соҳаларда тизимли ишларни йўлга қўйишларини таъкидладилар.

ЎЗА

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Янги – 2020 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан Президентимизга сизҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равақ изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.

- Қуйдагилар ўз табрикларини йўллаган:
Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**;
Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;
Америка Қўшма Штатлари Президенти **Дональд Трамп**;
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби **Антониу Гутерриш**;
Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – **Элбоши Нурсултон Назарбоев**;
Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқоев**;
Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**;
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
Туркменистон Президенти **Гурбангули Берdimухамедов**;
Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
Япония Бош вазири **Синдзо Абэ**;
Корея Республикаси Президенти **Мун Чжэ Ин**;
Афғонистон Ислол Республикаси Президенти **Ашраф Фани**;
Эрон Ислол Республикаси Президенти **Ҳасан Рухоний**;
Польша Республикаси Президенти **Анджей Дуда**;
Венгрия Президенти **Янош Адер**;
Словения Республикаси Президенти **Борут Пахор**;
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;
Иордания Қироли **Абдулла II**;
Дания Қироличаси **Маргрет II**;
Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари **Ван Цишань**;
Россия Федерацияси Ҳукумати раиси **Дмитрий Медведев**;
Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири **Ли Кэцян**;
Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан**;
Канада Генерал-губернатори **Жюли Пейетт**;
Янги Зеландия Генерал-губернатори **Пэнси Редди**;
Афғонистон Ислол Республикаси Ҳукумати Ижрочи раиси **Абдулла Абдулла**;
Янги Зеландия Бош вазири **Жасинда Ардерн**;
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**;
Бутун хитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси **Ли Чжаньшу**;
Бирлашган Араб Амириклари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**;
Халқаро олимпия қўмитаси президенти **Томас Бах**;
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижрочи қўмитаси раиси – Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**;
Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) Бош котиби **Йенс Столтенберг**;
Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Бош котиби **Бағдат Амреев**.

“ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ” ШОДИЁНАЛАРИ

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида бўлиб ўтган тадбирда Меҳрибонлик уйлари, “SOS – болалар маҳалласи”, оилавий болалар уйлари, Мурувват уйлари тарбияланувчилари, маҳаллалардаги ота-она меҳридан бебахра қолган ўғил-қизлар, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия каби идораларнинг юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон фидо этган ходимлари фарзандлари иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тақдим этиладиган кўлаб ўқув анжомлари, ширинлик ва ўйинчоқлардан иборат бўлган жами 11 минг дона совға кичкинтойлар учун ҳозирланди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида “Президент арчаси” тадбирлари кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда, – деди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Дилшод Кенжаев. – Мазкур тадбирларга кўпроқ ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар қамраб олинди. 2019 йилда болаларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилди. Бунга Президентимизнинг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим асос бўлди.

“Туркистон” саройи фойе-сида гўзал зумрад арча турфа ўйинчоқлар, зеб-зарлар билан зийнатланган. Қорбобою Қорқиз, турфа эртақ қахрамонла-

ри, цирк ва эстрада санъати усталари ижросидаги дастур барчага кўтаринки кайфият улашди.

– Мен ўтган йили ҳам “Президент арчаси”да қатнашгандим, – деди “SOS – болалар маҳалласи” тарбияланувчиси, 12



ёшли Нилуфар Камолова. – Янги йил байрамига яхшилаб тайёргарлик кўрдик. Шеърлар ёдлаб, янги ашула ва рақслар ўргандик. Бундай байрамда қатнашишни ҳамма болалар орзу қилади.

Беш яшар Ваня Гочковский 23-Меҳрибонлик уйида тарбия-

ланади. Кичкинтой вужудидаги яширин хасталикни болаларча шўхлик, бегуборлик, покиса қалб билан енгиб келмоқда.

– Арча байрами менга жуда ёқади, – деди Ваня лунжиги тўлдириб олган конфетни қарсиллатганича. – Қорбобоюм, Қорқиз ҳам, ашулаю ўйинларнинг бари жуда э-э-ў-ўр! “Президент арчаси” жуда мазза байрам экан!

Байрам иштирокчилари залга тақлиф этилади. Бири куёнча, бошқаси қорпарча, яна кимдир қорбола кийимида сафланган кичкинтойлар камалакранг шарлар, турфа рангга кирувчи ўйинчоқларни тутганча ўз ўринларини эгаллайдилар. “Томоша” болалар ижодий студияси томонидан тайёрланган “Биз таратган нур!” номли мусикий спектакль қизиқарли сахнавий кўринишлар, видео лавҳалар, мультфильмлардан парчалар, қувноқ роликлардан таркиб топган. У ҳар бир томошабинни болаликнинг гўзал онларига қай-

тариши, шубҳасиз. Табиати, она Ватанини асраб-авайлашга, кичикларни ҳимоялаш, катталарга ҳурматда бўлишга, мудом интизомли бўлиш ва аъло ўқшга, китоб билан дўстлашишга ундовчи томоша барчага манзур бўлди.

Тадбир ниҳоясида болажонлар “Президент арчаси” кўшигини биргаликда куйладилар. Уларга давлатимиз раҳбарининг Янги йил байрами совғалари топширилди. Кичкинтойларга аталган шодиёна жуда завқли ўтди.

Бу каби байрам тантаналари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Реклама ўрнида

“СУВСОЗ” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни Янги – 2020 йил билан самимий қутлайди!
2020 йилда дилингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошсин, хонадонингиздан тинчлик-осойишталик, сихат-саломатлик, бахт-саодат аримасин!
Жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги абадий бўлиб, доимо юксалиш ва тараққиёт сари одимлаб борсин.
Байрам барчангизга кўтаринки кайфият ва чексиз хурсандчиликлар улашсин.

GROSS INSURANCE:

Сизнинг хотиржамлигингиз – бизнинг вазифамиз!

“GROSS INSURANCE” масъулияти чекланган жамияти мамлакатимиз сугурта компаниялари орасида етакчи бўлган урта компаниядан бири, миллий сугурта бозорида хусусий сугурта компаниялари ўртасида биринчи рақамли компания ҳисобланади. “GROSS INSURANCE” МЧЖ активида турли йўналишлар бўйича 110 дан ортиқ сугурта маҳсулотлари мавжуд.

Улар орасида:

- мол-мулкни;
- жавобгарликни;
- молиявий таваккалчиликларни;
- бахтсиз ҳодисалардан;
- транспорт воситаларини;
- мажбурий сугурта қилишнинг барча турлари энг долзарб ва жозибадор сугурта маҳсулотлари бўлиб ҳисобланади.

Биз мижозларимизга комплекс ипотека сугуртаси, меҳмонхона фаолиятини комплекс сугурта қилиш каби комплекс сугурта дастурларини, шунингдек, инновация хусусиятидаги қарорларни, препаратларнинг клиник синовларида фармацевтика муассасаларининг жавобгарлигини, онкологик касалликлар билан боғлиқ харажатларни, ресторанлари, туристик операторларнинг профессионал жавобгарлигини, “Prestige”, “Avto-Vip” каби автотранспорт воситаларини сугурта қилиш комплекс маҳсулотли ва бошқа турдаги сугурта маҳсулотларини тақлиф қиламиз.

Қудратимиз, шак-шубҳасиз, одамларда ва жамоамиз аъзоларида. Жамоада бугунги кунда сугурта, молия, аудит ва актуар илми соҳасидаги 500 дан ортиқ мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Компания таркибиде Марказий офис ҳамда мамлакатимизнинг барча минтақаларида жойлашган 100 дан ортиқ филиал фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, компания тасарруфида New Life Insurance шўба корхонаси мавжуд бўлиб, у “Хаёти сугурта қилиш” соҳасидаги тўртта синф доирасида ва “Умумий сугурта” соҳасидаги иккита синф доирасида ихтиёрий ва мажбурий сугурта бўйича хизматларни тақдим этмоқда.

Мижозларни қўлаб-қувватлаш маркази мижозларимизга кунда 24 соат, ҳафтада 7 кун, йилда 365 кун мобайнида мамлакатимизнинг исталган нуктасидан 1166 ягона телефон рақами бўйича масофадан туриб сугурта хизматларининг тақдим этилиши билан боғлиқ барча саволларга жавоб беради, сифатли хизмат кўрсатади ва қўлаб-қувватлайди. Жумладан, сугурта ҳодисаси юз берганда мижозларга сугурта қилишнинг мақбул дастурини танлашга ва унинг қийматини ҳисоблаб чиқаришга, сугурта полиси муддатини узайтиришга, шунингдек, сугурта даъвосини кўриб чиқиши натижалари ҳақида маълумот олишда ёрдам беради.

Мижозларни қўлаб-қувватлаш маркази ҳузурида тиббиёт соҳасида кўп йиллик (энг камида 30 йил) иш тажрибасига эга олий тоифали юқори малакали шифокорлар таркибидеги тиббиёт гуруҳи фаолият кўрсатади. Бу эса 24/7 режимида юқори сифатли маслаҳат ва даволаш ёрдами кўрсатиш кафолатидир.

Бизнинг мижозларимиз йўл-транспорт ҳодисаларига учраган тақдирда, ёрдамга келишга тайёр бўлган, яхши ўқитилган ва малакали мутахассислардан иборат бўлган авария қамсирлари гуруҳи ДОИМО – кун ва туннинг қайси вақтида эканлигидан қатъи назар, ҳодиса содир бўлган жойга етиб боради.

Мижозларимиз бугунги кунда полисни тезда расмийлаштириш, компаниянинг энг яқин жойлашган филиалини, яқин орада жойлашган клиника ва дори-хонани осонгина топиш ҳамда кўпинча бериладиган саволларга жавоб олиш имконини берувчи МОБИЛЬ ИЛОВАДАН фойдаланишлари мумкин. Иловани <https://gross.uz/m> электрон манзили орқали юклаб олиш мумкин.

Мобиль илованинг SOS тугмаси фавқулодда вазиятларда кўпчилик учун беиниат ёрдамчи бўлиб улгурган. Ҳатто чет элда бўлган вақтда ҳам мижозлар бизнинг ёрдамимиздан фойдаланишлари мумкин.

Компания индивидуал сугурта дастурларини, шу жумладан йирик ва мураккаб таваккалчиликларни сугурта қилиш дастурларини ишлаб чиқмоқда. Мазкур дастурлар мижозларга ўз сарф-харажатларини бошқариш ва ўз танловига кўра қўшимча опциялари бўлган сугурта пакетини жамлаш имконини тақдим этади.

“GROSS INSURANCE” МЧЖ ҳар йили жамоат ва хайрия тадбирларининг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиб келмоқда. Биз мазкур воқеалар атрофида сугурта ва молия бозори вакилларини бирлаштириб, жипслаштириб келя-

миз ва бундан кейин ҳам бу эзгу ишни давом эттирамиз.

Ҳар йили мини-футбол бўйича ўтказиладиган хайрия турнирларини ташкил қилиш, Ўзбекистон Шахмат федерацияси билан ҳамкорлик қилиш, “Хумо” хоккей клуби билан шерикчилик муносабатларини ўрнатиш воситасида спортни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган лойиҳалар учун масъулият ва чексиз фахр туйғуларини туямиз.

“GROSS INSURANCE” МЧЖ учун хайрия – тренд эмас, балки ҳар биримиздан бошланадиган яхшиликни улашиш салоҳиятидир.

Мазкур йилнинг октябрь ойида қиймати 100 млн. сўм бўлган тиббий ускуналар харид қилинди ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларига тўхфа этилди. Биз оғир касалликлардан довланаётган ва реабилитация жараёнини бошдан кечириётган барча инсонларга чин дилдан соғайиб кетишларини, уларнинг оилаларига эса улкан куч, матонат ва сабр тилаб қоламиз.

GROSS INSURANCE компанияси ташкил топганлигининг саккиз йиллик санасини аёл ва она макомининг чексиз ҳурмати шарафига янги ижтимоий лойиҳа – “Мен ҳаётни танлайман!” шiori остида Биринчи аёллар ижтимоий форумини ўтказиш билан нишонлади.

Мазкур хайрия тадбири давомида тўпланган барча маблағлар Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларига йўналтирилди.

Биз мижозларимизнинг ишончларини қадраймиз, мамлакатимиз келажакига умид билан қараймиз, эртанимизни кечаги кунимиздан янада барқарор ва муваффақиятли қилишга интиламиз!

Сиз мисқоллаб ўз оламингизни яратмоқдасиз, унинг сақланиши учун таваккалчиликни ўз зиммамизга олишимизга имкон беринг!

ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР! GROSS INSURANCE сугурта компанияси

Сиз азиз ватандошларни кириб келаятган ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ билан чин юракдан муборакбод этади. 2020 йилда ҳаётингизнинг ҳар бир куни янги ютуқларга бой бўлишини тилаб қоламиз. Жамиятимиз қалбингизда меҳр ва ҳарорат муҳитини яратишда ўз сабъ-ҳаракатларини аямайди.

Унутманг, Сизнинг хотиржамлигингиз – бизнинг вазифамиз!

<p>Тошкент Оқшом</p> <p>Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32</p> <p>Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz Буюртма Г. 1246</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: (0-371) 233-28-95 Факс: (0-371) 233-29-55</p> <p>Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563</p>	<p>2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган</p> <p>Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2</p> <p>Топшириш вақти: 13.00</p>	<p>Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй</p> <p>Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ</p>
--	---	--	--